



MOLIYA VA BANK ISHI

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI BANK-MOLIYA AKADEMIYASI ILMIY JURNALI



Яширин иқтисодиётни камайтиришда молиявий механизмларнинг иқтисодий аҳамияти ва ўрни

Элмуродов Шохжаҳон

Тошкент Кимё халқаро университети

Ёзишмалар учун электрон почта: sh.elmurodov@kiut.uz

Мақола ҳақида маълумот

Топширилган вақти: 06.11.2022

Қабул қилинган вақти: 29.11.2022

Таянч сўз ва иборалар: яширин иқтисодиёт, молиявий механизм, иқтисодий аҳамият, имтиёзлар, молиявий технологиялар.

Аннотация

Ушбу мақолада яширин иқтисодиётни камайтиришда молиявий механизмларни камайтиришдаги ўрни ҳақида тадқиқот олиб борилган, бундан ташқари яширин иқтисодиётдаги омилларнинг таъсир даражаси ва йўналиши ҳам ўрганилган.

The economic importance and role of financial mechanisms in reducing the shadow economy

Elmurodov Shokhjahan

Tashkent Kimyo international university

Corresponding author: e-mail: sh.elmurodov@kiut.uz

ARTICLE INFO

Received: 06.11.2022

Accepted: 29.11.2022

Keywords: *hidden economy, financial mechanism, economic importance, benefits, financial technologies.*

Abstract

In this article, research was conducted on the role of financial mechanisms in reducing the shadow economy, in addition, the level and direction of influence of the factors in the shadow economy were also studied.


Кириш

Яширин иқтисодиёт даражасини камайтириш ва уни камайтириш орқали кўпроқ даромад олиш муаммоси ривожланаётган давлатларда муҳимроқдир.

Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, маълум бир мамлакатда яширин иқтисодиётнинг кўламига турли хил омиллар таъсир қилади, жумладан: умумий солиқ ва ижтимоий суғурта бадаллари юки; солиқ тизимининг мураккаблиги; бизнесни расмийлаштиришга харажатлар; бошқарув ижтимоий муҳити; солиқ маъмуриятининг самарадорлиги;

ҳукумат ваколатига ва давлат харажатларига муносабат.

Халқаро валюта фонди томонидан қайд этилган ушбу омилларнинг аксарияти молиявий омиллардир. Бундан келиб чиқадики яширин иқтисодиёт даражаси молиявий механизмларнинг самарали йўлга қўйилмаганлигидан келиб чиқади. Молиявий механизм - бу иқтисодий механизмнинг ажралмас қисми, молиявий рағбатлантириш воситалари, иқтисодий жараёнлар ва муносабатларни тартибга солишнинг шакллари ва усуллари. Молиявий механизм қуйидагиларни ўз ичига олади (1-расм):

1-расм. Молиявий механизмнинг шакллари¹

Ушбу механизмларнинг барчаси бевосита ёки билвосита яширин иқтисодиёт даражасига таъсир кўрсатади.

Молиявий механизмларнинг яширин иқтисодиёт даражасига таъсирини кўрадиган бўлсак, уларнинг таъсир йўналишидан келиб чиққан ҳолда, улардан фойдаланиб яширин иқтисодиётни камайтириш бўйича тегишли чора-тадбирларни ишлаб чиқишимиз мумкин.

Нархнинг яширин иқтисодиётга таъсири:

Айрим турдаги маҳсулотлар нархининг ўсиши яширин иқтисодиёт даражасининг ошишига сабаб бўлади, хусусан стратегик аҳамиятга эга маҳсулотлар нархининг ошиши айрим корхоналарнинг яширин иқтисодиётга ўтиб кетишларига сабаб бўлиши мумкин. Мисол учун нефт нархининг ошиши кўпгина ишлаб чиқарувчиларнинг ишлаб чиқариш харажатларига таъсир кўрсатади, ишлаб чиқариш харажатларининг ошиши уларнинг тўлайдиган солиқ ва бошқа харажатларининг ҳам ошишига сабаб бўлади, шу сабабдан улар солиқ юкидан қочиш мақсадида яширин иқтисодиётда фаолият юритишлари мумкин. Давлатнинг яширин иқтисодиётни камайтириш мақсадида нарх белгилашга аралашуви, иқтисодиётга акс таъсир кўрсатиши ёки бўлмаса маҳсулот таклифининг камайтишига сабаб бўлиши мумкин.

Солиқларнинг яширин иқтисодиёт даражасини камайтиришдаги роли.

Турли хил тадқиқотлар шуни кўрсатдики, солиқларнинг юқори даражада мураккаблиги, солиқни кучсиз ёки самарасиз ундирилиши, расмий операцияларни ва тўловларни расмий банк каналлари орқали амалга ошириш учун имтиёзларнинг етишмаслиги яширин иқтисодиёт даражасига таъсир кўрсатмоқда. Яна бир муҳим омил - солиқ тўловчиларнинг ҳукуматга бўлган ишонч даражасидир. Ушбу омилларга солиқ сиёсати ва солиқ маъмурияти чоралари таъсир қилиши мумкин.

Умуман олганда, яширин иқтисодиёт ҳажмини камайтиришга ёрдам берадиган омилларни ҳал қилиш бўйича стратегия барча манфаатдор томонларни, масалан, марказий банкни, банк секторини, молия ёки иқтисодиёт вазирлигини ва солиқ маъмуриятини ўз ичига олган кенг қамровли

бўлиши керак. Яширин иқтисодиёт даражасини камайтиришда солиқлар асосий ўрин эгаллайди. Албатта, солиқ ставкаларининг оптимал даражада белгиланиши яширин иқтисодиёт даражасини камайтиради. Бунда солиқ бўйича имтиёзларнинг тақдим этилиши солиқ тўловчиларнинг ўз даромадларини яширмаслигига ёки ўзлари сотиб олган маҳсулот ва хизматлар учун чек талаб қилишларига сабаб бўлиши мумкин. Бунинг учун механизмни тўғри шакллантириш ва унинг ишлашини назоратини йўлга қўйиш лозим. Солиқ маъмуриятларининг яширин иқтисодиёт фаолиятини аниқлаш имконияти ҳар қандай операция ҳужжатлар асосида из қолдирганда сезиларли даражада ошади. Бундай йўллар корхона томонидан товар ёки хизмат учун чиқарилган оддий ҳисоб-фактурадан ёки товар ёки хизмат учун қайд қилинган тўловдан иборат бўлиши мумкин. Нақд пул операциялари учун ҳужжат изини ишлаб чиқишнинг бошланғич нуқтаси маълум миқдордан юқори нархга эга бўлган ҳар қандай сотиш учун солиқ ҳисобварағини расмийлаштириш талабидир. Тадқиқотлардан маълумки мамлакатлар мавжуд солиқ қонунларига биноан бундай қонуний талабларни ўрнатдилар; аммо, бундай талаблар корхона учун ҳам солиқ тўловчи учун ҳам манфаат келтирмаслиги уларнинг бу тартибга амал қилмаслик рискинни вужудга келтиради. Ҳисоб-фактураларни расмийлаштириш мажбуриятларига риоя этилишини таъминлаш учун жисмоний назорат мураккаб ва қўшимча харажатларни тақозо этади. Шунга қарамай, айрим солиқ маъмуриятлари корхоналарни текширувдан ўтказиш, шу жумладан аноним равишда тест-харидларини ўтказиш учун ўз ресурсларини сезиларли даражада йўналтиради.

Савдо субъектларининг ўз харидларини онлайн касса ёки НКМ орқали қайд этилишини таъминлаш ҳам яширин иқтисодиёт даражасини камайтиришга хизмат қилади. Замонавий НКМ тизимлари реал вақт режимида сотиш маълумотларини солиқ маъмурияти маълумотлар базасига узатишни таъминлайди ва яқка тартибдаги тадбиркорлик операциялари ва савдо ҳажмининг ўзгаришини доимий равишда кузатиб боришга имкон беради. Аммо бунга эришишда қатор муаммолар мавжуд. Бу амалиётнинг самара бериши учун томонлардан бири бундан

¹ Муаллиф томонидан тузилди

манфаатдор бўлиши лозим. Шундагина самарадорлик ошади. Шу сабабдан ҳам харидорларга ўзларининг харидларининг маълум бир миқдорида cashback бериш амалиётини жорий этиш (улар НКМ да этилган харидлари учунгина сашбаск олишлари мумкин) нақд ёки дебит карталар орқали амалга оширилган харидларнинг солиқ базасида қайд этилиш имконини беради ва бу яширин иқтисодиёт даражасини камайтиришга хизмат қилади.

Божларнинг яширин иқтисодиёт даражасини камайтиришдаги роли.

Божхона тўловларининг юқори солиқ ставкалари маҳаллий иқтисодий ишлаб чиқарувчиларни сезиларли даражада ҳимоя қилади. Шунинг учун божларнинг ушбу турини пасайтириш маҳаллий товарларнинг чет эл товарларига нисбатан ҳимоя қилинишини камайтиради ва рақобатбардошлигини пасайтиради. Ўз навбатида мазкур ҳолат баъзи маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни солиқ тўламаслик учун харажатларини камайтириш учун расмий бозорлардан чиқиб, норасмий равишда ишлашга мажбур қилиши мумкин. Табиийки бу жараёнда, яширин иқтисодиёт ҳажмини яширин иқтисодиёт даражасини сезиларли равишда ошишига олиб келади. ошади. Худди шу тарзда, импорт солиқларининг кўпайиши маҳаллий ишлаб чиқаришни импорт қилинадиган товарларга қарши ҳимоя қилади, бу эса яширин иқтисодиётда ишлаш сабабларини камайтиради. Яширин иқтисодиёт даражасини камайтириш мақсадида импорт божларининг юқори оптимал миқдорини танлаш лозим, чунки божлар миқдорининг ошиб кетиши асосан истеъмолчилар учун юк бўлиб, рақобатнинг йўқлиги маҳаллий бозордаги маҳсулотларнинг нархи ҳамда сифатига таъсир кўрсатиши ва ҳаттоки монополиянинг пайдо бўлишига ҳам олиб келиши мумкин. Шу жараёнда самарали ташкил этиш ва олиб боориш давлатнинг институтсионал тизимига ҳам бевосита боғлиқдир.

Имтиёзларнинг яширин иқтисодиёт даражасини камайтиришдаги роли.

Монетар ёки номонетар имтиёзлар бериш орқали ихтиёрий мувофиқликни таъминлаш чоралари Европа Иттифоқининг бир қатор мамлакатларида жорий қилинган яъни турли хил имтиёзлар орқали солиқларни ўз вақтида ва тўлиқ тўлаш амалиёти Европа иттифоқи давлатларида кенг қўлланилиб келинмоқда. Яқинда кўплаб европа иттифоқига аъзо давлатларда уй хизматларидан, яъни уйларни тозалаш, болаларга, ёки кексаларга ғамхўрлик қилиш хизматларидан фойдаланувчиларга бевосита солиқ

имтиёзларини жорий этиш амалиёти қўлланилди, бундан мақсад бу фаолият билан шуғулланувчиларнинг фаолиятларини расмий иқтисодиётда олиб боришларига эришиш ҳисобланади.

Имтиёзнинг яна бир тури, кредит/дебит карталар орқали ишлатилган маблағлар учун бериладиган сашбаскдир. Яъни ҳар бир фуқаро ўзининг кредит ёки дебит карталаридан фойдаланган ҳолда қилган харидларининг маълум бир миқдорида сашбаск олади, бу эса яширин иқтисодиётдаги иш ҳақининг “конверт”да тўлаш амалиётини қисқартиришга хизмат қилади.

Молиявий технологияларнинг яширин иқтисодиёт даражасини камайтиришдаги роли.

Ҳозирги кунда молиявий технологиялардан фойдаланган ҳолда тўловлар мониторинг ва ҳажмини аниқ ҳисоблаш имконияти мавжуд. Юқорида қайд этилган бир қатор назарияларга кўра нақд пул орқали амалга оширилган транзакциялар ҳеч қандай ҳужжатда из қолдирмаслик хусусияти борлиги учун яширин иқтисодиёт даражасини оширади. Шу сабабдан ҳам яширин иқтисодиётнинг даражасини камайтириш учун олиб борилаётган чора тадбирлар нақд пулда олиб борилаётган тўловлар миқдори ва ҳажмини камайтиришга қаратилиши лозим. Ҳозирда одамлар гавжум бўлган жойлар, таълим даргоҳлари, турли хил ташкилотларда ўрнатилган вендинг машиналарнинг савдо айланмасини аниқлаш мақсадида молиявий технологиялардан фойдаланган ҳолда уларни солиқ идоралари базасига онлайн тарзда улаб қўйиш лозим. Бу эса солиқ базасини аниқ ҳисоблаш имконини беради. Натижада нақд пулда амалга оширилаётган тўловларни ҳам қайд этиш имконияти яратилади ва бу яширин иқтисодиёт даражасини камайтиришга хизмат қилади.

Дотация ва субсидияларнинг яширин иқтисодиёт даражасини камайтиришдаги роли.

Иқтисодиёт депрессияга тушганда корхоналар ўзини банкрот бўлишдан сақлаб қолиш учун кўплаб ходимларини ишдан бўшатишга, керакли миқдордаги ходимларни ҳам норасмий тарзда ишлатишга мажбур бўлади. Жон Майнард Кейнес назариясига кўра давлат ушбу вазиятда иқтисодиётни депрессиядан олиб чиқиши учун йирик корхоналарга буюртмачи бўлиши лозим, шунда ушбу корхоналарда ишлаб чиқариш ҳажми ошади ва улар кўпроқ одамларни ишга олишади, натижада ишчиларнинг ҳам харид қобилияти ошади. Бу орқали давлат иқтисодиётни депрессиядан чиқишига эришади. Бу эса яширин иқтисодиётга ўтиш учун мотивларни камайтиради. айланишига имкон беради, шунингдек, Mehrotra, A., ва Yetman, J.[1] тадқиқотларига кўра, Марказий банклар нархлар даражасини барқарорлаштириши мумкин бўлган механизмни осонлаштиради. Инклюзивлик юқори даражадаги истеъмолни юмшатиш имконини берганлиги сабабли, уй ҳўжаликлари жамғарма ва кредитлар даражасини мослаштириш орқали фоиз ставкаларининг ўзгаришига мослашиш имкониятига эга бўладилар. Юқори молиявий инклюзия уй ҳўжаликларини ўз жамғармаларини депозитларга айлантиришга ундаши мумкин. Хон H.R[2] ва Tombini,

Адабиётлар шарҳи

Молиявий инклюзивлик иқтисодиётнинг йирик секторининг расмий молия тизимида иштирок этишини таъминлаганлиги сабабли, у иқтисодиётда ижобий ташқи таъсирни яратади, чунки у пул-кредит сиёсатини янада самарали амалга ошириш имконини беради. Аслида, юқори молиявий инклюзия фоиз ставкаларининг самарали сиёсат воситасига

А[3] юқори даражадаги молиявий инклюзивлик фоиз ставкаларини нисбатан кучли ва асосий сиёсат воситасига айлантириши ҳақидаги хулосага келишган. Молиявий инклюзивлик ортиб бориши билан пул захиралари муомаладаги валютадан банк тизимидаги фоизли депозитларга айлана бошлайди. Бу иқтисодий фаолиятнинг катта қисмини фоиз ставкалари назорати остида бўлишига имкон беради. Хоп Н.Р[4] норасмий сектор қанчалик катта бўлса, пул-кредит сиёсатини амалга ошириш ва назорат қилиш шунчалик қийин бўлади, чунки кўпроқ уй хўжаликлари ва кичик бизнес эгаларининг қарорлари марказий банкларнинг пул-кредит сиёсатини ҳисобга олмаган ҳолда мустақил бўлади. Бундан ташқари, молиявий инклюзия одамларни пул иқтисодидан банк иқтисодиётига ўтишга ундайди, шунинг учун уларнинг молиявий операцияларини кузатиш мумкин.


Mehrotra, A. ва Yetman, J[5] аниқлик киритишича, расмий молиявий тизимга кўпроқ агентлар киритилганда ишлаб чиқариш ўзгарувчанлиги инфляция ўзгарувчанлигига нисбатан ошади, чунки молиявий агентлар ўзларининг инвестиция ва жамғарма қарорларини яхшироқ ўзгартиришга қодир бўладилар. Шу сабабли, молиявий инклюзивлик ошгани сайин, марказий банклар нархларни барқарорлаштириш ва шу тариқа молиявий

барқарорликни оширишга эътибор қаратишлари мумкин бўлади. Баъзи мамлакатларда марказий банклар инфляция мақсадларини аниқлаш учун асосий нарх индексига эътибор беришади, аммо бу нарх индексини танлаш баъзида нотўғри бўлиши мумкин. Mbutor, MO, & Uba, IA[6] Нигерияда 1980 йилдан 2012 йилгача бўлган даврда молиявий инклюзивлик даражасининг пул-кредит сиёсати самарадорлигига таъсирини таҳлил қилди. Уларнинг натижалари молиявий инклюзивликнинг юқори даражалари муҳим рол ўйнайди деган даъвони қўллаб-қувватлайди. Бироқ, банк филиаллари сонининг ўзгарувчиси киритилганда, бу натижа қўлланилмади, аслида салбий муносабатни кўрсатди. Бу шуни кўрсатадики, янги филиалларни очишда банкларнинг мақсади, асосан, кўпроқ фойда олишга интилиш, лекин молиявий имкониятларни ошириш эмас.

Тадқиқот методологияси

Ушбу тадқиқотда асосан ушбу мавзуга яъни яширин иқтисодиётни молиявий механизмлар орқали камайтиришга оид моделлар ҳамда яширин иқтисодиётга таъсир этувчи омилларнинг таъсир даражаси ва йўналиши таҳлил қилинган.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси



2-расм. Яширин иқтисодиёт даражасига молиявий механизмларнинг таъсир йўналиши²

2- расмда кўрсатилган молиявий механизмлар орқали яширин иқтисодиёт даражасига таъсир

кўрсатиш мумкин. Ҳар бир механизм ёнида турган (+;-) белгилар механизмнинг таъсир йўналишини

² Муаллиф томонидан тузилди

ифодалайди.

Дунё бўйлаб кўплаб олимлар яширин иқтисодиёт феноменини тавсифлаш, таҳлил қилиш учун турли хил атамалардан фойдаланганлар. Бизнингча энг ишончли тадқиқотлардан бири Williams ва Schneider томонидан олиб борилган бўлиб, улар қайд этилмаган иқтисодий фаолиятни тавсифловчи турли сифатлар ва отлар (сўз туркуми) мавжудлигини таъкидлайдилар, бу жисмоний шахсдан корхонага қадар мумкин бўлган ҳар қандай фаолиятни қамраб олади[7]. Ушбу атамаларни таҳлил қилиб, асосий ғоя расмий ҳокимият органлари томонидан ўтказиб юборилган операциялар (молиявий ёки молиявий бўлмаган) эканлиги аниқланди. Яширин иқтисодиётнинг кенг қўламли фаолияти бу инкор этиб бўлмайдиган ҳақиқат бўлиб, у умумэтироф этилган таърифнинг етишмаслигини англатади. Williams ва Schneider хулосалари ва ғояларини ҳисобга олган ҳолда, турли хил натижаларга эришдик[7].

Ўзбекистон Республикасида яширин иқтисодиёт улушини қисқартириш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар қуйидаги 5 бўлимлардан иборат:

Натижада яширин иқтисодиётнинг хорижий мамлакатларда кенг тарқалган жамиятга ва давлатга салбий таъсири аниқлаб олинди ва улар:

- Рақобат муҳитининг бузилиши ва шаффоф эмаслиги;
- Маҳсулотлар сифати ва миқдорининг пасайиши;
- Давлат бюджетига тушадиган солиқ тушумларининг камайиши;
- Ижтимоий ва иқтисодий институтларни қўллаб-қувватлаш учун солиқ юкини оширилиши;
- Иқтисодий ўсишнинг сустлашишидан иборат бўлди.

Шу билан бирга, Яширин иқтисодиётни баҳолашнинг хорижий мамлакатларда кенг тарқалган ва кўп қўлланиладиган усуллари ўрганилди ва икки тоифага бўлиниб олинди: бевосита ва билвосита. Бевосита усуллар тўғридан тўғри кузатувлар асосида


ва солиқ текширувлари орқали амалга оширилган бўлса, билвосита усуллар эса транзакцион метод, валютага бўлган талаб методи, энергия сарфи истеъмоли методи, харажатлар ва даромад статистикалари ўртасидаги фарқ, расмий ва ҳақиқий ишчи кучи ўртасидаги фарқ ва MIMIC моделидан иборат.

Аксарият тадқиқотлар фақат битта омилни, солиқ юки, яширин иқтисодиётнинг сабаби деб ҳисоблайди. Бошқа омиллар (масалан, тартибга солишнинг таъсири, солиқ тўловчиларнинг давлатга муносабати, солиқ ахлоқи ва бошқалар) ҳисобга олинмайди, чунки аксарият мамлакатлар учун ишончли маълумотлар мавжуд эмас. Эҳтимол, ушбу бошқа омиллар ҳам яширин иқтисодиёт даражасига таъсир кўрсатса, яширин иқтисодиёт даражаси кўпгина тадқиқотларда қайд этилганидан юқори бўлиши мумкин.

Multiple Indicators Multiple Causes (MIMIC) орқали яширин иқтисодиёт даражасини аниқлаш

Ушбу усулда яширин иқтисодиётнинг бир нечта сабаблари ва кўп таъсирлари аниқ кўриб чиқилган. Методология ўзгарувчининг ўзини баҳолаш учун кузатиладиган сабаблар ва кузатилмайдиган ўзгарувчининг таъсирлари ўртасидаги боғлиқликлардан фойдаланади, бу ҳолда ҳисоб китоблар яширин иқтисодиётни аниқлаш учун олиб борилади[8].

MIMIC модели бу коплаб соҳалардаги тадқиқотларида кенг қўлланиладиган ва 1970-йилларда Zellner (1970) томонидан ишлаб чиқилган қайд этиб болмайдиган ўзгарувчилар статистик назариясига асосланган тизимли тенгламаларни моделлаштиришнинг махсус туридир (SEM)[9]. MIMIC модели экзоген сабабчи ўзгарувчилар тўпламининг яширин ўзгарувчига (яширин иқтисодиёт даражасига) таъсирини, шунингдек, яширин иқтисодиётга макроиқтисодий индикатор ўзгарувчиларнинг таъсирини тасдиқлаш учун назарияга асосланган ёндашувдир.



3-расм. Яширин иқтисодиёт даражасини Multiple Indicators, Multiple Causes орқали аниқлаш[7]

Умумий маънода олиб қараладиган бўлса 1.5- расмда кўрсатилган омиллар яширин иқтисодиётнинг

ўзгаришига таъсир этувчи омиллардир. +; - белгилари эса уларнинг таъсир йўналишларини ифодалайди.

Фикримизча, яширин иқтисодиёт даражасини аниқлаш шундан иборатки, бунда яширин иқтисодиёт қайд этилмайдиган жараён бўлиб қолади (яширин ўзгарувчи), бу ноқонуний хатти-ҳаракатлар сабаблари, солиқ юки ва тартибга солиш интенсивлиги ҳамда ноқонуний фаолиятни акс эттирувчи кўрсаткичлар, масалан, валюта талаби ва расмий иш вақти кабилар таъсири орқали ҳисобланади.

Ушбу усуллар орқали ҳисоблашнинг камчиликлари сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин:

MIMIC ёки валютага талаб орқали ҳисоблаш каби ёндашувларнинг битта катта муаммоси шундаки, улар солиқ юки, ишсизлик, ўз-ўзини иш билан таъминлаш ва тартибга солиш каби сабаб омилларидан фойдаланади, улар ўзлари бажарадиган ишларни амалга оширадиган ёки дўстлари ва қўшнилари билан бир нарса илтимос қилишлари учун ҳам масъулдирлар. Шундай қилиб, ўзингиз амалга ошириладиган ишлар, қўшнилари ёки дўстлар ёрдам беришлари ва “соя” иқтисодиётдан қонуний равишда сотиб олинган материаллар яширин иқтисодиётни ҳисоблашнинг ушбу ёндашувларга киритилган. Бу

шуни англатадики, ушбу ёндашувларда ўзи бажарадиган ишлар, қўшнилари ёрдами, қонуний равишда сотиб олинган материаллар “умумий” яширин иқтисодиёти баҳоланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-6098-сонли Фармони бўйича қуйидаги соҳаларга энгилликлар берилди:

- Қурилиш корхоналарига;
- Умумий овқатланиш корхоналарига;
- Риелторлик фаолияти билан шуғулланувчиларга.

Бундан ташқари Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги, Марказий банк, Давлат солиқ қўмитаси ва Давлат статистика қўмитаси ташкил топган комиссиялар ва таркибий тузилмалар ташкил этилди. Яширин иқтисодиёт даражасига таъсир этувчи яна бир молиявий омил молиявий инклюзия ҳисобланади.

Молиявий инклюзия марказий банклар учун молиявий тизимларни барқарорлаштириш ва пул-кредит сиёсатини самарали бошқариш учун жуда муҳим, чунки юқори молиявий инклюзия истеъмолчилар ва фирмаларнинг хатти-ҳаракатларини сезиларли даражада ўзгартириши мумкин.

Хулоса ва таклифлар

Яширин иқтисодиёт иқтисодиётнинг барча тармоқларига таъсир кўрсатиб, унинг даражасининг юқорилиги давлатдаги иқтисодий, ижтимоий муаммоларнинг мавжудлигидан ва молиявий механизмларнинг самарали фаолият юритмаслиги билан изоҳланади.

Яширин иқтисодиёт даражасини аниқлашнинг бир қатор методлари мавжуд бўлиб, улардан самаралиси нақд пул ва талаб қилиб олунгунга қадар депозитлар нисбати орқали аниқлашдир.

Яширин иқтисодиёт, унинг даражасини аниқлаш ва камайтириш бўйича тадқиқот ишларини олиб бorgan тадқиқотчиларнинг яширин иқтисодиётга берган таърифлари ҳам бир биридан тубдан фарқ қилади.

Яширин иқтисодиёт даражасини камайтиришда асосий воситалар булар фискал ҳамда монетар воситалардир.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Mehrotra, A., & Yetman, J. (2014). Financial Inclusion and Optimal Monetary Policy, (Working paper No. 476). BIS. Retrieved from <https://www.bis.org/publ/work476.pdf>
2. Khan, H. R. (2011, November 4). Financial Inclusion and Financial Stability: Are They Two Sides of the Same Coin? Lecture presented at BANCON 2011. Retrieved from <https://www.bis.org/review/r111229f.pdf>
3. Tombini, A (2012): "Opening remarks", IV Fórum Banco Central sobre Inclusão Financeira, Porto Alegre, 29 October.
4. Khan, H. R. (2011, November 4). Financial Inclusion

and Financial Stability: Are They Two Sides of the Same Coin? Lecture presented at BANCON 2011. Retrieved from

<https://www.bis.org/review/r111229f.pdf>

5. Mehrotra, A., & Yetman, J. (2014). Financial Inclusion and Optimal Monetary Policy, (Working paper No. 476). BIS. Retrieved from <https://www.bis.org/publ/work476.pdf>
6. Mbutor, M. O., & Uba, I. A. (2013). The impact of financial inclusion on monetary policy in Nigeria. *Journal of Economics and International Finance*, 5(8), 318-326. doi: <https://doi.org/10.5897/JEIF2013.0541>
7. Williams, C. C. and Schneider, F. (2016). *Measuring the Global Shadow Economy: The Prevalence of Informal Work and Labour*. Edward Elgar Publishing, UK
8. Loayza, N.V. (1996), *The Economics of the Informal Sector: A Simple Model and Some Empirical Evidence from Latin America*, Carnegie-Rochester Conference Series on Public Policy 45, 129-162.
9. Zellner, M. (1970). Self-esteem, reception, and influenceability. *Journal of Personality and Social Psychology*, 15(1), 87-93.